

Мирий (тахаллуси; асл исм-шарифи Очилдимурод Неъматилла ўгли) (1830 — Каттакўргон—1899) — шоир ва хаттот. Каттакўргондаги Накибхўжа ва Бухоро мадрасаларида ўкиган. Калликўргон мавзеида козилик килган (1888). Мирийнинг мукаммал девони, иккита баёзи, катор эпик асарлари сакланган. Мирий ижодининг асосий кисмини унинг достонлари эгаллади. «Раъно ва Зебо» (1884) достонини форсийда ёзган. Мирий тарихий воеалар асосида романтик услубда «Киссаи Салим Жавхарий» (1887), «Рустам ва Сухроб» (1898), «Маждиддин ва Фахрунисо» (1899) достонларида адолатли тузум, фаровон турмуш, комил инсон хакидаги илгор фикрлари акс этган. «Гулнома», «Чойнома» каби маснавийларида хаёт хакидаги фалсафий-эстетик карашлари ўз ифодасини топган.

Мирий Фирдавсий «Шохномаси»нинг бир кисмини ва Хусайн Воиз Кошифийнинг «Анвори Сухайлий» асарини шеърий йўлда туркйга таржима килган. Навоий, Жомий, Саъдий ва бошка шоирларнинг айрим асарларини насх ва настаълик хатларида кўчирган.

Мирий газалларида хаёт зиддиятлари, турмушдаги тартибсизликлар, ноҳакликларни тасвирлаган. Хажвий шеърларида эса риёкор козилар ва миршабларни фош этган. Шоир лирикаси, хажвиёти ва эпик асарлари юксак бадиий хусусиятлари билан ажралиб турди. Мирий асарлари Ўзбекистон Фанлар академияси Шаркшунослик институти, Самарканд давлат университетининг асосий кутубхонаси фондларида сакланади. Бегали Косимов.

КИССАИ САЛИМ ЖАВХАРИЙ

(Достондан парча)

Бу достон жавхари Салим Жавхарийнинг ахборотидан Хажжожга изхори бобида

Ким эмди айлайин бир кисса оғоз,
Салими Жавхарийдин нуктапардоз.
Ким ул Хажжожи зулм ичра ягона,
Тилар эрдики, бир яхши фасона.
Топиб Фаттоҳ олиб боргач Салимни,
Фасоҳат бобида йўқ-йўқ калимни.
Буюрди шах сўзунг оғоз айла,
Фасонангга мени дамсоз айла.
Дуо айлаб Салими нукта ошуб,
Етурди шохлиг расмида услуб.
Деди, эй шахриёри рубъи маскун,
Мутеи хидматинг бўлсун Фаридун.
Эшит бу кулни кўрган саргузаштин,
Кезиб оламга юрган кўху даштин,
Отамга бор эди моли фаровон,
Хисобу сондин ортиқ гавхару кон.
Эрам монанд бугу бўстонлар,

Бихиштосо таажжуб гулситонлар.
Камар заррин эшикда кул туман минг,
Канизаклар неча симинбадан минг.
Зару сим ончаким имкондин ортик,
Дуру лаъл ул сифатким кондин ортик.
Шиори базл ўлуб, андешаси жуд,
Гадолар хони лутфидин топиб суд.
Яланггоч түн топиб, очлар наво хам,
Ани асрида эрди бенаво кам.
Жахон эхсонидин андог бўлуб шод,
Бўлубон мулки Восит завкобод.
Акобирларга поси хурмат андин,
Лозимларга шавки шафкат андин.
Демишлар они Абдуллои тоҷир,
Жавохирга фузунрок эрди мохир.
Кўюб эл они исмин Жавхарий от,
Етуб зотига жавхардин мубоҳот.
Бўлубон мояси дурру гухардин,
Бадахшонга бориб, гах Кошгардин.
Дегил хар важх дунёлигда хурсанд.
Вале богида бутмай нахли фарзанд.
Берибон симу зар дарвешларга,
Ўгул умедида дилрешларга.
Хадаф топгач баногох тири уммед,
Хамоно топгон ўлса умри жовид.
Йигибон мажмую жамъи касире,
Тузуб жашне йигиб барною пири.
Бериб Воситга зийнат бøглаб ойин,
Хўтан бедил бўлуб, шармандаси Чин.
Менга хам тангри айлаб лутф ёвар,
Чу бўлдум лутфи хакдин етти ёшар.
Муаллимга бериб килди хитобе,
Ярайдур айласа илм иктисоби.
Ўкуб хар илмдин топдим камохи,
Ўлуми фикху тибдин интибохи.
Бўлуб оз чогда хар фан ичра мохир,
Акобир расмига кўз тикдим охир.-
Муборизлигда, тирандозлигда,
Хам андог нарду шатранжбозлигда.
Фариди вакт бўлдум хар фан ичра,
Килурдим кўп ўюнлар жавшан ичра,
Укумдин каркадон бош тортар эрди,
Киличим шер багрин йиртар эрди.
От устида ўюнлар айлар эрдим,
Масоф ичра баходир сайлар эрдим.
Киши размим учун майл айлай олмай,

Уруб сафлар бузар эрдим пәёпай.
Менга бўлмай бирор бу ишда хамто,
Масофимдин кочарди хар тавоно.
Ёшим ўн еттига еткурди зийнат,
Топиб ўн тўрткунлик мох талъат.
Карими ихтилотимга бериб зайн.
Фалак хур shedi янглиг курратулайн.
Никоҳ айлаб киурди хилватимга,
Кавокиб кўз тикарди ишратимга.
Отам роҳатда, мен ишратда машгул,
Неким амр айлабон мен анга маъмул,
Отамга етти чун азми зарурий,
Етушти заъфи тан, кетти шуури.
Танини нотавонлиг зўр килди,
Тушуб беморлиг ранжур килди.
Кулогига етушти кўси рехлат,
Менга айлар эди неча васият,
Ки эй умрумни богини нихоли,
Гулистонимни сарви эътидоли.
Таним ранжурлиг бирла сўлубтур,
Магарким умр савдоси бўлубтур.
Жаҳон савдосига елдим-югурдим,
Неким истаб муродим онча кўрдим.
Улусни шодком айлаб ўзумдин,
Етурдим баҳралар элга тузумдин.
Не ким тақдир этиб эрди худованд,
Хам ўзни айладим, хам элни хурсанд.
Бу колгон моллар эмди сенингдур,
Каро туфрог аро манзил менингдур.
Егил, ичгил, худованди таборак
Бу давлатни сенга килсун муборак.
Ва лекин тўрт ишни килгум изхор,
Ани берк ушлагил зинхор-зинхор.
Бири бу: яхшилик кунни унутма,
Маишат моясин исроф тутма.
Бири бу: тонг-ла фикрида ема гам,
Бу гамдин етгулук ризкинг бўлур кам.
Бири килма кишини айбини фош,
Бу авторинг етургай багрингга тош.
Бири бу: яхши ишдин килма номус,
Ани килмоклигига бўлма маъюс.
Улуглар туфрогини тўтиё кил,
Аларни сухбатини кимиё бил.
Хусусан илм эли бўлсун анисинг,
Алардин пур айла завки жалисинг.
Отадин чунки бу посух эшиттим,

Етүштүм күзларин ёшин ориттим.
Дедим: «Эй киблахим, узрохим,
Сүзингдин күкка етгай дуди охим.
Хаётингдин гулистонимгадур ранг,
Замирим күзгусин юктурмагил занг.
Колиб сендин качон мен шод бўлгум,
Агар гулмен бу мотам бирда сўлгум.
Бошимда сояи икболинг ўлсун,
Рафиким лутфи моломолинг ўлсун.
Хаётингдиндуур жонимга миннат,
Бошимдин бўлмасун зилли раофат.
Ва лекин хукми хакни чораси йўк,
Ажални жалласидин отилур ўк.
Отам ичти ажални жомидин май,
Самуми марг йикитти лахза кўймай.
Килиб дафн айладим оши азосин,
Солиб устумга хам мотам либосин.
Атодин харнаким колмиш зару сим,
Бориси ўз кўлумга топти таслим.
Гурури накду мулку молу асбоб,
Хам андок хидматимда хосу наввоб.
Тушуб хушумга ошуби йигитлик,
Килиб худройликда нафсим итлик.
Тутуб кавми арозил бирла улфат,
Шарорат хайли бирла базму сухбат.
Аларга сарф этиб бору йўкумни,
Ошуруб осмондин гулгулимни.
Фалакка еткуруб ошуби мастиим,
Бу мастиимда бўлуб кўк токи пастим.
Бўлуб исрофга шугли мизожим,
Ишим лавху тараб бермак ривожим.
Тамизим англамай суду заардин,
На тинмок, не таянмок шўру шардин.
Мизожимга етушуб сифлахўлиг,
Шарорат ахли ичра комжўлиг.
Димогим жўш уруб бебоклигда,
Демак бебок, беидроклигда.
Бўлуб бехудалигда элдин ортиқ,
Ямонлигда аёгим тилдин ортиқ.
Атодин харна колгон молларни,
Зару симу туман амволларни.
Бериб оз чогда онча молу амлок,
Талаф килдим борини чусту чолок.
Мани бехудлиг айлаб ул сифат масть,
Бериб сармояни бўлдум тихидаст.
На кул колди эшигимда, на доя,

Йўкотдим борчасини поя-поя.
Бу бехудлигда билмасдимки гам ким,
Ситам кайси бўлур, билмай алам ким?
Дирам кайдин келиб койда бородур,
Маишат тўшаси койдин етодур?
Ямон йўлга килурдим сарф чандон,
Кўнгулга тушмас эрди жуду эхсон.
Бу янглиг симу зар кетгач кўлумдин,
Кочиб эл кўркар эрди шумлугимдин.
Узуб дўстлар таноби дўстлигни,
Мухаббат синасидин пўстлигни.
Кўюб отим Салими кўртолеъ,
Бу от ул мамлакатга бўлди шоеъ.
Кўзум оку кароси меҳрибонлар,
Кочиб мендин бурун ул истагонлар.
Мени истар кишиларни мен истаб,
Алар юз кайтарурди очмайин лаб.
Салом этсам, алар килмай жавобе,
Салими кўрбаҳт, айлаб хитобе,
Кариндошимга мендин ору номус,
Алар топмай бурун бўлмокга побўс.
Матоу моя барча кетди кўлдин,
Анингдек сирру сомоним кўнгулдин.
Дедим жуфтимга: «Эй кулбам чароги,
Аниси хилватим кўнгулни боги.
Чу мендин килди суду моя падруд,
Зару симу нукудим бўлди нобуд.
Хазойин емрулуб кўнглум уйидек.
Нишотим касри вайрон бум уйидек.
Бузулди хотирим ёнглиг нишотим,
Кўлумдин кетти накди инбисотим.
Бурунги шодмонлиг бўлди барбод,
Замони ишратим бермас бирор ёд.
Хама ахбоб узди тори шафкат,
Уруб балки багирда хори зиллат.
Аларким хони лутфимдин эди шод,
Юзумга таъна тегин килди бунёд.
Салими шўрбаҳт, ёд айлаб отим,
Халойик ичра афзунрок уётим.
Бу хижлатдин бошимни кўтаролман,
Улус руҳсорига тиклаб боколман.
Бу авлодурки, сен тушмай гамимга,
Ўзунгни кўймагил бу мотамимга.
Отанг лутфида юз зевардадурсен,
Туман хурмат била парвардадурсен.
Димогинг бенаволиг кўрган эрмас,

Мизожингга тааб еткурган эрмас.
Наботу канд гуфторингга банда,
Шакар лаъли гухарборингга банда.
Нихолинг нозу неъмат бирла бутган,
Камолинг шахду шарбат хўп тутган,
Вужудинг боги нузхат бўстони,
Юзунг кўзгуси акси комрони.
Юзинг ойинаси завку сафода,
Кўзингнинг орзузи тўтиёда.
Маишат бирла хушзавк хаётинг,
Хужуми фока кўрган йўқ сифотинг.
Ки яъни кўрганинг йўқ бенаволиг,
Кадингга ор эрур шоли гадолиг.
Отанг базмида бўл шамъи шабистон,
Отангни кулбасин кил Юсуфистон.
Етушмай шумлугум тортгил ўзунгни,
Отанг чархида кўрсат юлдузингни.
Мени кўй ушбу меҳнат хонасида,
Бўлай мен ушбу гам кошонасида.
Бу ошуб ичра сен ўртогим ўлма,
Богир додига сен хамдогим ўлма.
Сени кўрсам бу зулматхона ичра,
Тушар ўт бу дили вайрона ичра.
Кўрунмай ўз гамим сендин тушар таб,
Ки кути явмия килсанг йўқ истаб.
Бўлубмен нотавонлигда тавоно,
Бу маҳзунлигда не бўлгаймен оё.
Ки сен боргил отанг уйига, эй хур,
Мени деб бўлма муфлислигда ранжур
Яна ёндурса давлат шамъини хак,
Кора кулбамга тушса нури равнак.
Касоди ишратимга еткуруб суд,
Кетибон фока, етса тархи бехбуд.
Келиб манзилингни обод этарсен,
Бурунги завкингни бунёд этарсен,
Ки холо мен бўлуб нокомлигда,
Сен андок турфа беоромлигда.
Ота-онанг била тут гамзудолиг,
Аромизда турубтур кадхудолиг».
Чу жуфтим мендин англаб бу фасона,
Килибон захрханд этти тарона.
Деди: «Будурму тамҳиди мурувват,
Бу кайси расм эрур, кандог хамият?
Ўзунг инсоф кил, фикр эт каломинг,
Ўзунг андеша кил бу фикри хоминг.
Сени танҳо кўюб бу ибтилода,

Мен анда аиш этай, сен бу балода.
Отам базмида мен мастиналигда,
Сену хар шамъга парвоналигда.
Отам бирла бўлуб мен завк хирман,
Бўлуб сен хар эшикларда салозан.
Бўлуб мен завк ила ишратда машгул,
Кийиб сен эски шол эгнингда качқўл.
Бале, бозуи хушу химматингдин,
Шуурим кетти мундог хижлатингдин.
Вафо услугига будурми ойин,
Русуми дўстлиг будурми эркин?
Керак мендин бу бетокатлиг ўлса,
Не дей бир-бирга шафкат ушбу бўлса.
Эру хотинга ойин бу бўлурму,
Эри бемоя бўлса айрилурму?
Бу таврингдин хамият элига нанг,
Шууринг ботил этмиш шўълаи банг.
Демон ожизлик ичра нотавонсен,
Тануманду кави хам пахлавонсен.
Аёгингда эрур юрмокга ёро,
Алинг хар ишни айларга тавоно.
Етар хар ишни айларга мадоринг,
Етар хар касб килсанг иктидоринг.
Качон ожиз эрурсен касб этардин,
Келур кilmok кўлингдин хар хунардин.
Бирор сармояси гар оз бўлгай,
Ўтунчинлик килиб мумтоз бўлгай.
Вагар бўлса кўлида моя чандон,
Очар хар растада юз навъ дўкон.
Дема отим Салими Жавхарийдур,
Жавохир бўлса сармоям еридур.
Жаҳон конунида турмас бир оханг,
Чолур юз парда ичра нагмаснн чанг.
Тузотиб зеру бам шархида овоз.
Гахе пасту гахе боло килур соуз.
Хаводис барк янглиг ўргулуб тез,
Юрур майдони дахр ичра сабукхез.
Хижолат мулкида кўб бўлма маъюс,
Бу маъюсингдин ортар сенга номус.
Бир иш шуглин ўзунгга пеша килгил,
Хижил юрмай бир иш андеша килгил.
Бурунрок бўйла кундин килмадинг ёд,
Саранжомингни бердинг елга барбод.
Пушаймондин топилмас судинг охир,
Илик бир ишга ур беҳбудинг охир.
Тутуб бечоралиг расмида услугуб,

Үтун кил даштдин ё богла жоруб.
Ваё муздурлигда касби кор эт,
Ваё хаммолигни ихтиёр эт.
Маишат моясида айлагил жахд,
Жадалдин коми завкингга етар шахд,
Хижолатдин фузун бўлгай забунлиг,
Етар жонингга тархи вожгунлиг.
Мунингдек мунфаиллиг ичра ётма,
Сазо тоши била бошинг ушотма.
Харими хилват ичра мен хам андок,
Ишим бўлсун туну кун чарх ўгурмок.
Сен аллаб тошкорининг корсозин,
Килай ман ичкарининг кўбу озин.
Отамни уйидин етмас менга суд,
Сенинг бирла бўлай хар буду нобуд.
Дами айшу нишотингда эдим ёр,
Хам андок мен гаминг вакти парастор.
Алимдур доманингда шоду гамда,
Сенинг бирла бўлай завку аламда.
Бу янглиг хотуним кўргузди шафкат,
Замиримга тушуб завку хамият.
Килиб тангрини шукрини адосин,
Хамул мангучай исмат вафосин.
Шабистоним ёрутмиш бу сифат ой,
Вафо гулзорида сарви сумансой.
Кўнгулни завки ошиб хушу тобим,
Димоги хуш анингдек жўшу тобим.
Килурга касб этмок жазм килдим,
Магар хаммолликга азм килдим.
Кўнгулга хотунимдин ошти иззат,
Бу журъат кўрдум андин етти химмат.
Белимни бoggадим хаммоллигга,
Кўнгулни кўймайн эхмоллигга.
Сафи хаммолга котдим ўзумни,
Эшит, эй шахриёр, алхак сўзумни.
Сари бозори Восит ичра бехол,
Бурун жавхар сотардим, эмди хаммол.
Кулуб баъзе урубон таънадин неш,
Хазин кўнглум килурди турфа дилреш.
Алар сўзига солмай илтифотим,
Бошимдин ошуруб ташлаб ўётим.
Хамоно килдим иш хаммоллигда,
Уётни ошуруб хушхоллигда.
Олиб оз учрасин кўб-кўб кўтардим,
Масофат катъида элдин ўтардим.
Алар бир боргонича икки бориб,

Алар ўн боргонин бир йўл кўториб.
Колиб хаммоллар пўямга хайрон,
Етиб хаммоллар муздига нуксон.
Ўну ўн беш дирам хар кун топардим,
Такопўюмга равнак кўрсатардим.

ДОСТОНЛАР

ГУЛНОМА

Сокий, кадахинг мўл эт карамдин,
Колмиш бу работ жоми Жамдин.

Ковус кани, не бўлди Хушанг?
Кўкка чолиб онча кўсй фарханг.

Маст айлаки, телбavor ўлай мен,
Йўклук аро бахтиёр ўлай мен.

Бу телбалик ичра онча кил гарк,
Бору йўки дахр килмайин фарк.

Сокий, кадаҳи нашот тўлдур,
Бу бодага чархни букултур.

Бу хамлиг ила етолмайин чарх,
Йўқ, дурдини хам тополмайин чарх;

Кундуз очибон куёш нукудин,
Ўй равзани демайин копудин;

Тун бўлса сочиб нукуд юлдуз,
Юрсун югуруб тун ила кундуз.

Сокий, тўла айла жому согар,
Колмас киши, кани худ Скандар?

Бахромга гўр манзил ўлди,
Минг гўр кўлида бисмил ўлди.

Жонлар бари фоний — тангри бокий
Кўп мунча тагофул этма, сокий.

Аввал ичу, сўнгра кил хавола,
Гардун эса сибкарай пиёла.

Эй сокийи гулъузори гулрў,
Эй кабк хироми, нозбў бў.

Эй комати сарвинга фидо сарв,
Каддинг деса бормудур раво сарв!

Вах-вах, не галат хаёлдур бу,
Хай-хай, не деган мисолдур бу!

Ул бир шажареки, меваси йўк.
Эл кўнглин олурга шеваси йўк.

Хайхот, бу кадки, сенда бордур,
Хар яхши мушаббах ўлса ордур.

Коматму десам киёмати бор,
Жаннатму десам худ офати бор.

Кад йўкки, малохати шажардур,
Йўк, йўк, дегил офати назардур!

Огзинг бу шажарни гунчасидур,
Кулку анга, вахки, мевасидур.

Фарзан деса мева — кулку воеъ,
Овозасига йўк уйку воеъ.

Ширинлиг аро гумондин ортук,
Аччиклик аро худ ондин ортук.

Ширин ва ачик — фидоси жонлар,
Ул кулкуга садка хонумонлар.

Эй тоза нихоли гулшани жон,
Хар узвинга садка богу бўстон.

Менким гули нозбў экибмен,
Мехнатлар анинг учун чекибмен.

Жаъфар гули-ю гули хинолар

Хам тожихуруси хуш жилолар,

Хам кошгарий гулини парво,
Шому сахар анда худ мухайё.

Бир сатхи чаманда ишки печон,
Чирманмок ўлуб иш анга хар ён.

Бу барчаси бу жихатму эрмас;
Ишрат сари маслахатму эрмас.

Хар чанд фараҳфизо эрур гул,
Кўп рамзга ошно эрур гул.

Ишк ичра асиру мубталомен,
Бир сарвга зору бенавомен.

Бир чехраси гул асиридурмен,
Гам кишварини амиридурмен.

Бир гунча оғиз фитодасимен,
Махмурин висол бодасимен.

Ул тош кўнгулму яъни сенсен!
Фўлодга йўлму яъни сенсен!

Кўнглунг катигича бўлмагай тош,
Кошинг киличига кўрмагай бош!

Яндашса бу тош бирла фўлод,
Кўрмас киши сен сифатни жаллод!

Ким они хавои ишки бирлан,
Масжидни килиб ўзумга маскан

Чархи фалакеки, чархи гардун
Тўкмай сувини бу навъ бир кун.

Масжид аригига ўткурубмен,
Йўқ, кўз ариги аро курубмен.

Саргашталик анда кўп ўзумдек,
Кундуз-кеча сув тўкар кўзумдек.

Эй зулфунг асири хўбрўлар,
Хуснунгга фидо туман накўлар.

Юз фикр ила нозбўлар эктим,
Мехнат ани тархи бирла чектим.

Комим бу десангки кўргулукдир,
Бир дам боришиб ўтургулукдур.

Тархидин агар савол этарсен,
Васфин эшитур хаёл этарсен.

Дарвозага киргач ичкарирок,
Бирдам туру, ўнг бирла сўл бок.

Ўнг ёнида нозбўи чиний,
Шармандаси Чин нозанини.

Зухд ахли каби киём айлаб,
Кирган кишига салом айлаб[^]

Бошини эгиб килиб тавозуъ,
Илкинг сунарин этиб таваккуъ

Кўл теккач, этиб абирсонлиг,
Фирдавс гулин иси нишонлиг.

Минг ноз ила, бўи нозбў, деб,
Бошини эгиб, ниёз бу, деб.

Хизри наби кисвати баринда,
Баъзиси Билол талъатинда.

Кўк атласи баъзидин намудор,
Тун турраси баъзидин падидор.

Баъзини атаб забони гунжишк,
Шохи бўлуб ошёни гунжишк.

Чумчук дема, булбул ошёни,
Чумчук сифат айламиш макони,

Атрофин олиб хурустожи,
Тожи била ёндуруб сирожи.

Бокган киши кўнглига солиб ўт,
Деб:—Турма бу гулшан ичра, бот ўт.

Бок манга, кутул асирлигдин,

Кайдим мени бу далерлигдин,—

Деб кошгарий гули кулумсуб,
Зебо гулума назарни сол хуб.

Бошим узадур кулохи ним тарк,
Хублукда атаб отимни садбарг.

Күнглумни шикофига назар сол,
Багринг бутун ўлса, бот кадар сол.

Сўл ёнига лутф этарсен изхор,
Турфа чамани гарип — толор.

Ер багрига чок томуридин,
Ой доги таноб узотуридин.

Чарх азми учун каманд ташлаб,
Бўлмокда Масих бирла хамгап.

Исоки маком килди тўртунч,
Элдинму эди худ анга кўркунч!

Анфосини тангри пок килди,
Афлок уза завкнок килди.

Жон топти ўлук дамидун, алхак,
Йиллар ўтуб ўлганича мутлак.

Толорга хам бу поклиг бор,
Май нашъасидин бирковки хуммор,

Ул кимса ўлук эмасму охир?
Махмурни ўлук демасму охир?

Раз кизидин ўлса баҳраварлиг,
Ул бодага коми юпса тарлиг,

Бермасму худ анга рухи тоза,
Топмасму хамул футухи тоза!

Бас, ток Масих дам эмасму?
Исо нафас они худ демасму?

Ток ёнида неча нозбўлар,
Шому сахар ул хужастурўлар

Кизлар киби юзлари кизиллик,
Хар кунда тилаб неча бихиллик.

Деб:— Бокма юзум кизорганига,
Минг зийнат ила очилгонига-

Ким, бўи вафо гулумда йўктур,
Сўлмоклигима махал ёвуктур.

Жаъфар гули дебки: — Хушманд ўл,
Гуллар исин исла, баҳраманд ўл.

Кўйма оёгингни бехаёвор,
Солгил назаринг, адаб билан бор.

Бизни бу чаманда солма қўздин,
Инжилма бу заъфароний юздин.

Белларда бўгун солиб хинолар,
Тийг ўрнида баргдин наволар.

Жаллод киби бокиб харосон,
Бир нечаларин босиб кизил кон,

Деб кирган улусга:— Боҳабар бўл,
Бехуда гулумга сунмагил кўл...

Ё раб, бу макони хулд тазийн,
Фируз махаллу жаннат ойин,

Файзу караминг хамиша ёр эт,
Ким айни иноятинг нисор эт.

Ахлига хам, эй карими довар,
Ниятни накўсин эт мұяссар.

Кўнгулларин айла бу макондек,
Химматларин айла осмондек.

Ахлига бу ер мухаббатин сол,
Илм ахлига бори шафкатин сол.

Кўнгулларин эт бу ерга побаст,
Завки бу макондин айла сармаст.

Гарби бу маконни обшоре,

Жаннат суви, йўкки жўйбore.

Жаннат ичидин окар аригдек,
Йўк, кавсардин чикар аригдек.

Хар кимсада бўлса хубс зохир,
Ул сув-ўк, этиб хам они тохир.

Окиб туну кунда, тутмай ором,
Бахра топиб онки хосу хам ом.

Мавжи етуруб фалакка шавкун,
Завки кетурур малакка шавкун.

Шавкун дёма балки шавки ортиб,
Хам савтлигин нафири тортиб.

Чархи фалак анда ўла сойир,
Кўк чархидурурким дахра дойир.

Ўк жавфида ўйла кутри афлок,
Ўргулмок ишида чусту чолок.

Тахта анга кахкашонму бўлгай,
Ё кохкашон нишонму бўлгай.

Хар кўзалари ситора янглиг,
Сув сочмоги абри пора янглиг.

Ул чархи фалакни жўйбори,
Ердин юкоридур икки кори.

Масжид туби бирла жорий бўлгай,
Толор ила гул нисори бўлгай.

Хожат анга сувдин ўлмаган чог,
Айлониб окарда давраи бог,

Гўёки зилоли зиндагоний,
Хайвон сувидин бериб нишони.

Бокган кишини сафоси ортиб,
Кўнгул уйини жилоси ортиб.

Шахсуфани тўрт жонибидин,
Жониб не деган, бўлур тубидин,

Окиб бу назокату сафода,
Хайвон сувивор софу сода,

Ул манзили пок хавзи сори,
Кавсар аригимисол жорий,

Гулларга бериб абирсонлиг,
Гуллар тубидин этиб равонлиг,

Юз навъ сафода суви окиб,
Фарход тахайюр илки кокиб.

Шарбат топибон сув истаганлар,
Ширин ариги йўк эрса, кавсар,

Жайхун киби субху шом жорий,
Уммон бўлуб они шармсори.

Килгач бирор ул аригда юрмок—
Селоб йўлинда бор ўтурмок.

Куш ўтса, ўчуб хаёти онинг,
Мўр ўтса, бориб нажоти онинг.

Гуллар нечча юз лабида бутган,
Кўрган муни ўзгани унутган.

Лаъли лаби дилрабому оё!
Хатму лаб уза гул анга гўё!

Ё навхатларни сайри чоги,
Тушмиш кўзи анда бу булоги.

Килмишму ўзин аларга монанд,
Бермишму ўзин аларга пайванд.

Ким килса ўзин наку шабихи,
Неку била йўл топар кабихи.

Ул суфаки жавфи гулшан эрди,
Доно элига нишиман эрди.

Гарбига гулу шимоли гулшан,
Шарки-ю жануби сарву савсан.

Мехроби-ю нечча муттаколар,

Мехробида сохиби дуолар.

Ул суфа шимоли бор гулзор,
Булбуллар ўкуб худ анда гулёр.

Бир неча муганнийи навосоз,
Булбулга килурга ўзни дамсоз.

Ул суфада рост сози ушшок,
Маргуласи мушкбези офор.

Ул гулшани тозанинг шимоли —
Бир хужраи чордар хаёле;

Очганда эшикни, тўрт жониб
Гул бирла анор кўзголониб.

Хар ён чу назарни сен очарсен,
Гул кўргайсену, гул сочарсен.

Хуш манзил эрур, хавоси маргуб,
Булбулларининг навоси маргуб.

Хуш хужраи дилкушо, фараҳбахш,
Хавз ўртасида жудо фараҳбахш.

Гарбида зилоли зиндагоний,
Телмуртуруб ўзига самони.

Яъни хавзи сафода кавсар,
Бўлмасму бихишт ародада кавсар.

Ул манзили поки жаннат осор,
Кавсар киби хавзини десанг бор.

Хар сахнида суфаи ажибе,
Ашжор ила суфаларда зебе.

Бир сахнида гулгули самовор,
Асрорини айлаб элга изхор...

Аммо не дейин гужум сифотин,
Не деб килайн худ они отин.

Бир-бирига барги онча пайваст,
Йўл топмайин отсалар анга шаст.

Соя самаридин эл тануманд,
Шахр истамай, они деб Самарканд.

Зохид кишилар амомасидек,
Шахр ахлини зөб жомасидек,

Усмокда чунон солиб таку пү,
Утмай бири-биридин сари мү.

Бевосита кибласин олиб хавз,
Сояси аросида колиб хавз.

Остидин ариг магар самовий,
Ул чархи фалак сувини нови.

Вах-вах, не дедим, не килдим авсоф,
Астагфирулиллах, ўлмасун лоф.

Ё раб, караминг нисор айла,
Лутфунгни хамиша ёр-айла,

Лофимни ўзунг маоф килгил,
Миръоти кўнгулни соф килгил...

Очилдии зори бенавони,
Нафс илкида мубтало гадони,

Оlamни хаводисига колган,
Нафси бадидин балога колган,

Эл таъну маломатига ботган,
Шармандалиг уйи ичра ётган,

Яъни лакаб ичра Мирий оти,
Бу шеър ила айламай уёти,

Кўп ёвау харза сўзни тортиб,
Ул харзада сафхани карортиб,

Не рамзу ишорату не тамсил,
Билмай не далилу кайси таъвил,

Ким назмни худ шиори айлаб,
Бу хол ила турфа коре айлаб,

Мен киммену мунча бехаёлик,

Маъни гухарига ошнолик!

Найлай, нетайин бу ўлса тақдир,
Йўкса манга кайда мунча тақдир!

Бу хост чу сендин ўлса бори,
Бўлгайму бу кулни ихтиёри!

Ё раб, караминг панохим этгил,
Лутфунгни худ узрохим этгил.

Файзинг бу макон сари фузун кил,
Лутфунгни танобини узун кил.

Ахлига хам айла шавкин афзун,
Аквомини айла завкин афзун.

Утган кишиларки пок эдилар,
Хўблук била завкнок эдилар.

Бўлганларимизни кил алардак,
Кўнглимизи равшан эт сахардак.

Ўтганларимизга нури иймон,
Бўлганларимизга хайру эхсон.

Ўтганларимизни айла масрур,
Бўлганлара бер суурурдин нур.

Сокий, тўла айла согари гул,
Гул юз уза ташла зулфи сунбул.

Гулдек очилиб, пиёла тутгил,
Кулку кила, йўқ, уёла тутгил.

Гул мавсуми маст айла бизни,
Гул ёнида паст айла бизни.

«Гулнома»га истасанг чу тарих,
Тут хушу хирад, эшит бу посих.

Ким, ушбу нигорхонаи Чин,
Гулзору гули бихишт ойин.

Бўлгач, бу нидо етушти ногах,
Тарихига бўйла килди огах:

Гул чехраси-ю аёг юздин,
Яъни учни унут ўтуздин.

Олдинг гулу юздин ул нишони,
Тарих: бихишти гулситони.

Таммат, тамом ёфт ва ба ихтитом анжомид «Гулнома»и Очилдии хоксори бемикдор.

Эшитмоклиг учун афсонадур бу,
Деманг Мирийни сиз:—Девонадур бу!

На гул колгай жахонда, не гулистон,
Хаво килган күшумга донадур бу!

ЧОЙНОМА

Аблахи нону ошу чой талаб,
Кона фи кулли боб ман яргаб.

Одамийлиг ишида беидрок,
Бедилу бетамизу бас бебок.

Аямай андин эзиidi доно,
Барча бехушлиг анга пайдо.

Машраби бетакаллуф андог кенг,
Мазхаби йўқ багайри «енгу ичинг».

Бўйи хушдин думоги бас бебарг,
На тириклик гами тушуб, не марг.

Уйини кунжини олиб каро мол,
Бавлу саргин ёнида моло-мол.

Мол тапписидин думог очган,
Мушк исидинму чорбог очган.

Мушк иси гар етиб думогига,
Нафаси пур келиб тамогига,

Деб: Не бадбўй бадмашом эрди,
Елга завки фарогатим берди.

То казонини боши узра тезак,
Бал тезакдин майшига газак.

Үзи дехкон, одам авлоди,
Булбашар наслидин, гам авлоди.

Турфа озода фикри укбодин,
Гами дунёлиг эрди дунёдин.

Чарх аноси топмай хамсанги,
Айламиш отини Шукур ганги.

Гами дунёда ончунон эди түк,
Фикри укбоси зарра күнглида йүк.

Емак-ичмакка эрди бас машгул,
Йүк эди хотирида жуз маъкул.

Дахрдин сохиб фарог эрди,
Бу фарогатда хуш думог эрди.

Бетамиз эрди-ю тамиз талош,
Бешуур эрди-ю, шууршунос.

Табъи хайвонда ўзни одам деб,
Одамий аро мусаллам деб.

Тутубон ўзни сохиби фитрат,
Чой ичар эрди хар кун уч навбат.

Ичиб уч чойнакни субх дами,
Пешину шом хам бу эрди гами.

Бедумогу думогдор эрди,
Сухбат ичра аёгдор эрди.

Чойидин бир пиёла исча бирав,
Нотавон жисмга етарди алав.

Яна бир чойнакни олиб дамлаб,
Якка ерда махавлара ўхшаб,

Ичибон ялгузин ўлум холат,
Нафси бадга балои жон рохат.

Мингбозорни сорига гузарим
Бир куни эрди, бўлди хамсафарим.

Кўтариб тумшугини бод бурут,

Үкумай бир йўли дуои кунут.

Савлати бесалоти савлатлик,
Давлати беуёти давлатлик.

Иккимиз хамсафар бўлуб хамроҳ,
Нашъаи чойдин деди ногоҳ.

Деди:— Эй чойдин аёгингда,
Нашъаи кайфият думогингда.

Кулкули чойдин равон хушиңг,
Чойжўшунгда завқ ила жўшиңг.

Кадр ахлини ахли кадр билур,
Дейин оллингда нукта мен кургур.

Халтаи чойдин кечак чойим
Келмади, соғ бўлди парвойим.

Эрта бозор эрур, дедим, гам эмас,
Дам чойим гар ўлмади, дам эмас.

Дами субҳ урмай офтоб кадам,
Мен урай илгари күёшдин дам.

«Хай» деганча качан куюб фурсат,
Чой бозорига солай диккат.

Халк то жамъ бўлганича ичиб,
Ким думогимга завқу ком бериб.

Суду савдога сўнгра айлаб жазм,
Нима даркор эрур анингсари азм.

Ётдим ул кечак бу таманнода,
Хом савдода, фикри ягмода.

Нашъаи чойдин думогим танг,
Чойга етдим, нечаки килди гаранг.

Нашъанинг печтобидин юз ранж,
Нотавон жиссим ўлди меҳнатсанж.

Бошим оғриб, кетиб қўзумдин нур,
Эсим оғиб, таним бўлуб ранжур.

Тонгга тетру ишым фигон этмак,
Нола бирла замон-замон кетмак.

— Эйки сен, чой учун маошиң бор,
Чойдин завку интиошиң бор.

Мени хам фикратимга етди вукуф,
Чойхүрликда бўлмишам мавсуф.

Чойхўр жоддасида топдим жой,
Жойи амниятим бўлубтур чой.

Чораи аиш чой ўлмиш бас,
Зарра йўк нону ош сари хавас.

Кечани елга бердим уйкудек,
Уйку кўздин йирок кўзгудек.

Бу сифат кеча тонгга еткурдим,
Чой шавки била кадам урдим.

Толпина-тирмана югурдум зор,
Жони безор бирла Мингбозор.

Заъфи тан сустликда махкамрок,
Чой барки танимда йилдамрок.

Чой махмури, нашъа ранжури,
Нотавон жонима тушуб зўри.

Юмуб очгунча кўзни еткурдум,
Дами Исога ўзни еткурдум.

Чой дам айладим дами Исо,
Тани бежоним этти-ўк ихё.

Бир-ики тўлдуруб кадах ичтим,
Гўиё шарбати фараҳ ичтим.

Улуб эрдим, магарки топдим жон,
Зулмати танга еткуруб иймон.

Куфри хумморни кесиб бошин,
Маст майдонида тўкуб ёшин.

Кони душман тўкуб сурохийдек,

Гам бошини узуб мубохийдек.

Маст бўлдумки, янги жон топтим,
Тоза жону завки комрон топтим.

Билдим эмдики, чойхўр эканим,
Ичмасам они, носабур эканим.

Чойсиз йўқ магар нажот манга,
Бу эрур мояи хаёт манга.

Дедим:— Эй нўши жонинг ўлсун чой,
Чойсиздин ўлуб алам фарсой.

Неча йилдурки, чой ўлуб хўйинг,
Тар думог айладинг лаби жўйинг.

Куруг оғзинг кўруг мисол бўлуб,
Куруг оғзингда бу макол бўлуб.

Бурут оғзингда шўразор киби,
Очук оғзинг бузуг мазор киби.

Кайси гўр, ўила юмрулан горе,
Тилинг ул гор аросида море.

Мор йўқ, мору мўр маъвоси,
Кайси маъво, улус тамошоси.

Булъажаб бу оғизга нашъаи май,
Нашъаи май топиб лабинг, хай-хай.

Бу оғиз кандни килур намакоб,
Нўшдору лабингдадур зардоб.

Ниши акраб танингга килмас асар,
Хайя захрига кайда сенда хабар.

Не аламдин санга малолатдур,
Не фарогатда иститоатдур.

Молсен, кайси молсен, кара мол,
Хўрду хобинг хамиша шоли фахол.

Ичмогунг сув топилмаса кўлмак,
Магар ул дам келиб якин ўлмак.

Чойхүрликни килма даъвосин,
Чойхүрни чикарма расвосин.

Чой уч харфдурки, чиму алиф,
Охир исмини ё тутуб мунсиф.

Жимибур жомеи хавоси хамс,
Уч ададдин топиб асоси хамс.

Моддаи жамъи ахли хуш эрур,
Хуш элига дами хурӯш эрур.

Алифи хаймаи арабга сутун,
Сарв кад комати киби мавзун.

Улфат асбобини тутиб боши,
Үк киби ё қўлида ёнбоши.

Айламакда газоли маъни сайд,
Уку ё чой ичида бўлмиш кайд.

Ями роҳатни «ё» эрур ариги,
«Ё» эрур баҳри завқнинг балиғи.

Балиг ар йўқ, алиф не деб манзил
Тутти ул ҷашма ичра, филхосил.

Сурати ичра алиф балиг янглиг,
Маю ям калб аро ариг янглиг.

Хоҳ май, хоҳ ям ба ҳар тақдир,
Ташна комига кўп этар таъсир.

Сенки бу кайфиятда бебўсен,
Бу табиат била килиб хўсен,

Чой кайфиятин качан билгунг,
Кўрсанг афъи, ани расан билгунг.

Топмиш озор агар тани лошинг,
Нашъаи чойдин эмас бошинг.

Балки дарди шакикадин бу бало,
Боши бемагзинга бўлуб пайдо.

Ул қасалдин танинг бўлуб ранжур,

Билмай они, ўзунг ясаб махмур.

Мени чой нашъаси, деб, этти гаранг,
Лаку фак сўзлар ила сен калфанг,

Лофи бемаъни бирла айлаб жўш,
Турфа афсоналарда жўшу хурўш.

Кўзи ўйнаб, очилди оғзи кенг,
Оғзидин очти хикматидек енг.

Деди:— Мен чой ичарга дономен,
Нашъаи чойга тавономен.

Олти ойдурки, одат айлабмен,
Шурб соат-басоат айлабмен.

Мени хам ўзгача думогим бор,
Пок равган, каро чарогим бор.

Мол тапписидин тўла бир уй,
Ёкаман меҳмонлара беўй.

Чойжўш ўтни бир якосида,
Лаку лук нукталар аросида.

Кайнагач чой, кайнаб оғзим хам,
Бак-баку савтидин тўлуб олам.

Чойнинг нашъаси бу эрмасму?
Нашъаи чой ганги билмасму?

Дедим: —Оре, бале тамизингга,
Офарин, бу тамизи тезингга.

Наъшай чойдин топибсен завқ,
Чой маънисидин олибсен завқ.

Ахли таклидга качан тахкик,
Жилва кўрсатти чехраи тавфик.

Бўлма таклид эли била хамроз,
Ел куни зоеъ айлама овоз.

Бир шаголе бор эрди пурнайранг,
Ранги найранг ила фалак фарханг.

Макр бобида эрди бемонанд,
Хийла бобида шайтанат фарза-нд.

Кундузи сайр этиб биёбонда,
Кеча бўлса келурди кўргонда.

Эл кўзи бўлса уйкуга моил,
Сайр айларди кў-бакў соил.

Кимниким ош ўлуб казонида,
Ёшурун ухлаган замонида,

Топиб ул ош, нўши жони эди,
Нўши жон оши, балки нони эди.

Ўткарурди бу навъ муддатлар,
Халк бўлмиш эди басе музтар.

Эл килиб хийла, кўлга тушмади хеч,
Кимса бирла бирар тўкушмади хеч.

Яна бир кеча келди горатга,
Тўъма истаб гизои кувватга.

Кўрди бир кулбай эшик махкам,
Бир тешик топти, урди уйга кадам.

Кўкчихона эди кўмулган хум,
Нилуфар ранги бирла тўлган хум.

Деди:— Бу хум бори таом эрур,
Бахту толеъ манга гулом эрур.

Топтим ўхшар таоми бесоҳиб,
Деди-ю, урди тўъмага рогиб.

Нили хум бас амийк эди бехад,
Чикмок андин жадал била не хад.

Гўта урмок била бўлуб бехуш,
Ўзини килди нилуфар манкуш.

Килди рангини нилуфарга бадал,
Чикти, хосилки, бехад этти жадал.

Дашт сорига нилуфар малбус

Бўлубон, бўлди хайлига махсус.

Ори-ори, гурухи даштий аро
Бўлмаган бўйла жонваре пайдо.

Кўрдилар нилуфар либосин ани,
Каркидонлар тутуб харосин ани.

Олди хайли шаголларни йигиб,
Килди огох, жумласин чакириб.

Деди: «Хак манга берди султонлик,
Хукмронлик била Сулаймонлик.

Фил бўлсун ва гарна шери дамон,
Айлади барчага мени султон.

Лек пинхон килинг шаголлигим,
Билмасун шер бемажоллигим.

Азм этинг шер сори бо суръат,
Шакли аъжубада кавий хайбат:

Турфа тунде, ажаб кавий бозу,
Даъвии шохлик килиб як сў.

Олди фармонга туюру вухуш,
Сизни истаб, хурӯшу айлар жўш:

Ёки хукмумга бош индурмас?!
Шер кимдур, ёнимда тўдаи хас!

Раъди савтимдин айлагай пархиз
Гайратим баркга урап махмиз!

Не учун келмагай саломимга,
Кўл ковуштурмагай каломимга.

Хайбатимдин килинг хикоятлар,
Савлатимдин солинг сиёсаллар.

Келса, келтурмангиз макомимга,
Бал йирокрокдин эхтиромимга.

Бош кўюб хизматимга, бўлсун кул,
Мени билсун ато, ўзини ўгул,—

Деб юборгач шаголдин пайгом,
Шер эшитгач, юкусин этти харом.

Деди:— Ё раб, бу кайси хайвондур?
Хукмронлигда кайси султондур?

Кодиру носир ул эрур, ори,
Улдур албатта, холикал бори.

Пашшани филзўр килса, не кам,
Шерни шўр агар килур, не ситам...

КАКИ КУХЗОД

(Фирдавсий «Шохнома»сининг таржимасидан парча)

Навоийни руҳидин ўлса мадад,
Яна килмаса лутф Фирдавсий рад,,

Солай кишвари киссага рустахез,
Калам найзаси бирла сўзга ситеz»

Хикоят майдин килай элни маst,
Килай базм элин ўйлаким майлараст:

Карам килса Фирдавсий «Шохнома»син,
Ки туттурса шафкат била хомасин.

Чу Фирдавс богига солсам хурўш,
Ки Фирдавсийдин олса комим улуш.

Бу майдонни азмига айлаб сутух,
Калам найзаси бирла Рустам шукух,,

Буким назм размин тутуб бедарак,
Забун айлайнин сўзни андокки Как.

Фалак золи топса ишимдан хабару
Дегай:— Офарин!— ўйлаким Золи зар.

Бу тарих учун кимсаким чекти жон,,
Ки гулзори маънингадур бобгон.

Бу янглигда бўлмиш тараннумсаройр
Ки Фирдавсий рухига фирдавс жой.

Ватан Золга Зобилистон эди,
Атодин ато шохи достон эди.

Якин анга уч кунчиллик буъди рох
Улуг тог эди, бас бийик боргох.

Улуг дашт ул тогни ёнида,
Бисоти фалак вусъати сонида.

Ки афгону лочину хайли булуж,
Ватан тутмиш эрди кўюб анда кўч.

На бир тог эрди фалак иртифоъ,
Етиб кўкга боши малак истимоъ.

Етиб кунгури чархи мийногача,
Каманд ушлатиб сакфи бологача.

Бийикликда пасти бўлуб осмон,
Анга йўл ясаб осмон қахкашон.

Хамул тогни устида бир хасин,
Туман халқ ўлуб анда маъво гузин.

Кўюб калъа отини Мирбод лум,
Тутуб маскан анда хама хайли шум

Ажаб бандаре эрди дарбанди сахт,
На бир кўргон ўйлаким кўхи лаҳт.

На душмандин эрди аларга зарар,
На лашкардин эрди аларга хазар.

Анга киргали эрди дарвоза бир,
Магар махкам этмиш тўкуб анга кир,

Куш ул калъа азмида килмай даранг,
Булут шўриш этмай, кочар бош яланг.

Бўлуб хайли афгонга ул хисн жой,
Бари тийрандозу жанг озмой.

Хисоб ичра минг, барчаси роҳзан,
Урушда бири мингга йиртиб кафсан.

Тутуб тог багрин саропардаси,

Каки күхзод анда саркардаси.

Үзи күхзоду оти эрди Как,
Ажаб бадраг эрди у (бохайбат саг).

Бўлуб пайкари филу комат баланд,
Буким тогдек жисми хоро писанд.

Уруш чоги гардунга тортиб хурўш,
Бало ёлкунидек солиб оғзи жўш.

Солиб наъраси шер жисмига тоб.
Шукухидин аждарга минг изтироб.

Узуб зўр этарда камар тогдин,
Олиб хуш девона йўк согдин.

Кавий хайкалу кўх пайкор эди,
Сипахдору пурзўру солор эди.

Урушда олурди алам марддин,
Ки гурзида Албурз этиб гарддин...

Ўтуб умри бунёди бедод этиб,
Хама умри бедод бунёд этиб.

Наримонга андин этиб гўшмол,
Кутулмай ани размидин Сому Зол.

Тушуб бийми Гаршасп жонига хам,
Бўлуб хираси Золи зар дам-бадам.

Неча Сом размига боялаб камар,
Килиб зўри бозуси зеру забар.

Бўлуб Сому Зол анга пархонжўй,
На бир размидин бўлдилар комжўй.

Мадоро тилаб, тутти билъахир
Тарийки итоат, тутуб ногузир.

Берурга анга йилда ўн жирм гов,
Мукаррар зару сийм учун божн сов,

Олур эрди Как хар йили Золдин,
Яна хадялар Золи кўполдин.

Бу маънидаким, Зобилистонга йўл
Очилгай фарогатда корвонга йўл.

Тижорат элин тор-мор этмагай,
Сафар ахлига йўлни тор этмагай.

Тилаб халк осойишин Золи зор,
Зар ул шум учун айламиш ихтиёр.

Бу гам Золи зарни килиб нотавон,
Каронгу эди кўзга Зобилситон.

Хирадманд улдур балият чоги,
Дуруст этса иш фаррӯ химмат чоги.

Чу душман кавий бўлса, тадбири хўб,
Ки тадбир асар ишни таъсири хўб.

Шарап оздуур, сув била барҳам эт,
Улуг бўлса, туфрог сепиб, ўт кам эт,

Ул эрдики, Золи зари кийнакор
Забун этти зар бирла ул нобакор.

Чу аъдо кавийдур мадоро керак,
Бале, дўсту душман мувосо керак.

Тахамтанки, Зол ангга эрди ато,
Келиб зўри бозу атодин ато.

Ўгўруб Зол Рустамга бу китфу ёл,
Хулистонига истар эрди камол.

Кўз ичра тутуб гўиё мардумак,
Хадис этмай оллига кўхзоди Как.

Тушуб бийм Какдин замириди ажўш,
Деди хайлига Зол тортиб хурўш:

Бу фарзандким, бас эрур аржуманд,
Жавонмарду хушёри дониш писанд.

Шижаатда, кувватда хамтоси йўқ,
Кўдакдур, адувга мадороси йўқ.

Топиб мавсуми умри ўн икки ёш,

Килур гард аччигланиб тутса тош.

Кавий хайкал, аммо кичик ёши бор,
Неча пахлавонлигда кенгоши бор.

Ани күнглида шердин йўқ ситам,
Качан пилдин хотири ичра гам.

Гурури йигитликни гавгоси кўп,
Хамиятда майли такозоси кўп.

Мабодоки кўхзод ишидин хабар,
Кулогига ул пахлавонни етар.

Кичик ёшида килса разми ирик,
Улуб ул, буким колмагаймен тирик.

Бало тийрига ўзни айлаб хадаф,
Замони тараб бермасун бартараф.

Карам тангридин бўлса, бир-икки йил
Ўтуб, топса кувват, топиб зўри фил.

Умидим будурки, туман кўхзод
Хаётига андин килур хайрбод.

Ани куллигини тилаб шум Как,
Мисоли ул итдурки, тишлар кесак.

Буким холиё тифлдур нарра шер,
Бўлунг вокиф андин сагиру кабир,—

Дебон килди таъйин ики пахлавон,
Жавон хушу пахлў кавий навжавон.

Туну кун рафик этти Рустам била,
Тахамтан хамул икки хамдам била.

Насаб бирла Рустамга эрди якин,
Хасаб ичра ондокки, сохиб нигин.

Бирига лакаб эрди Кашводшох,
Яна бири Милоди заррин кулох.

Хирадманд эди икки дониш пажух,
Алардин фалак шери топмиш шукух.

Ул иккисига Зол айтиб:— Зинхор
Ки Как ишларин айламанг ошкор.

Ани олдига Какдин айтманг паём,
Мабодо менга күймангиз нангу ном.

Деманг Рустам оллига Какдин хадис,
Дарак килманг ул бедаракдин хадис.

Эшитгач мабодо, солиб күнгли шүр,
Йигитлик думогига айлаб гурур,

Яна килмагай азм майдонига,
Ситамдур манга, зулм ани жонига.

Чакиртиб махаллоту бозор хам,
Бу сирдин килиб элни хүшёр хам.

Буким, килмасун хеч киши Какни ёд,
Башар ё пари деб Каки күхзод.

Сўзидин бирор гар килса ошкор,
Талов молу жонин килур тору мор.

Ки чун топти бу навъ фармони Зол,
Эл оғзида йўқ бўлди андин макол.

Аёгчи, йигитлик шаробини тут,
Гурури йигитликда бир дам овут

Хавас жоми хушдур йигитлик чоги,
Замони хўришдир йигитлик чоги.

Рустамнинг бозор сойрига азимат килганда, икки рахнаварддин Каки кўхзод хикоятин эшитгани ва унинг ахволидин хабар сўргани ва Кашвод илан Милод чора топмай андин сўз килгани

Бу тарихга улким Рустам шукух,
Ки «Шохнома» роким, Тахамтан пажух.

Бу янглиг тузар сўзни майданини,
Ки фирдавс килсун шабистонини.

Тутуб расми мардоалиг филтан,
Кичик ёш, улуг химмати филфан.

Амуде олиб илкига говсар,
Камоне тутуб, новаки жонгузар.

Килич белда, фил бошини teng ёриб,
Ўкидин фалак фили бosh кайториб.

Ани размидин каркидон нотавон,
Бўлуб шер майдонидин нимжон.

Кулох бошида Сомдин ёдгор,
Сипах Золи андин бўлуб номдор.

Бу хашмат аро Рустами доругир,
Магар чикти бозор аро ул далер.

Улус кўргач. ул нахли зебосини,
Кичик ёшда бозуи болосини,

Шукухи солиб ерни багрига чок,
Лаби согаридин бўлуб маст ток.

Тушуб духтари разга кайфияти,
Лабин ўпмакига тилаб нияти.

Кади сарв, бозуси аммо кавий,
Фалак пахлавонин килур мултавий.

Тани тог, тог узра тог бosh анга,
Агар тутса туфрог ўлуб тош анга.

Бокиб халк бир-бирга хайрат карин,
Дер эрди:— Бу каддингта минг офарин!

Бу аснода икки пиёда магар,
Тахамтан била бўл»дилар хамсафар.

Хабарсиз магар Зол эъломидин,
Сўз айтмиш магар Какни пайгомидин.

Кўруб бўйла бозуи пайвастини,
Шукухи кавий, комату бастини,

Дуосида тилни санохон этиб,
Тамошо хамул сунъи яздон этиб.

Дебон:— Офарин, кадду бастинг учун,

Амуди гарону зүр дастинг учун.

Мусаллам йигитлик камолингга хам,
Сафобахш файзи жамолингга хам.

Качан түрт ано топти сендек ўгул,
Ки етти атодур эшикингда кул.

Бу суратда бермас жахон золи ёд,
Десанг, йүк ажабким, Каки күхзод.

Шижаатда, суратдадур анга тенг,
Йигитликда ортук эмас, тенг денг.

Шижаатда тенг гарчи күхзодга,
Эмас тенг(у) бу сарви озодга.

Агарчи тануманду пурзур эрур,
У бир шуми бадраг, бу бир хур эрур.

Бу янглиг жахон золидин Золи зар
Фарогатга етмиш олиб баҳру бар.

Чу Рустам алардин топиб бу сурүш,
Думоги топиб жүшу тортиб хурүш.

Уруб шуълаи гайрати тунду тез,
Ул икки пиёдага айлаб ситез:

— Не сүздур, бу кимдур Каки күхзод?!

Башарму, малакдинму ул девзод?

Начук пил пайкар, тануманд эрур?!

Не пайванд или манга монанд эрур?!

Ки хамто менга Сому Зол айтмайнин,
Наримон киби кийлу кол айтмайнин.

Чу Гаршаспу Утрутга килмай мисол,
Недин Как била бердингиз гүшмол?!

Демай хамсарим шери нар ё паланг,
Ва ё аждаре, ё диловар наханг?

Ватан анга сувдурму ё тогдур,
Билолмонки, кайси курумсогдур.

Үёлмай деюрсиз мени Как киби,
Качан гурз эрур элга калтак киби?Г

Агар тог эрур йўкса туфрогдин,
Недур асли, бархам берай богдин!"

Нечук зот эрур ул Каки кўхзод,
Менинг бирла айларсиз ул телба ёдР

Мени тенгу тушим эмас хар хасис,
Малак бирла хушдур Масихо аниш!

Ики рахвар англаб Тахамтан сўзин,
Жавонмард Рустамга боғлаб кўзин.

Учуб ранг рухсоридин, чекти гам,
Куруб оғзи-ю, халкидин кетти нам.

Пушаймон бўлуб ул ики рахнавард,
Бўлуб музтариб, оғзида охи сард.

На фикри такаллум, на хушу жавоб,
Тушуб узв-увзига минг изтироб.

Тахайюрда колгач, бўлуб гунгу лол,
Аларни кўруб бу сифат пури Зол,

Карам илкини асрү айлаб аён,
Аларга зар этти карам ул замон.

Чу Рустам овутгач зару сиймдин,
Кутулмиш ул икки катиг биймдин..

Деди пахлавон:— Рост денг хар нима,
Ёри гургдин фориг ўлсун рама.

Дедиларким:—Эй пахлавон номвар,
Равонингга хак лутфи берсун зафар.

Бу аснода бор бир ажаб кўхна гург,
Ажаб кўхна гурге, ишидур сутург.

Ажаб бадраге, бадниходедур ул,
Лакаб Как, магар кўхзодедур ул.

Нахангедуур шўри дарё ситез,

Наханг новакидин тополмас гурез.

Нажод анга афгону навкар булуж,
Сипах ёнида барча лашкар булуж.

Куруб йўлни устига хиргохлар,
Харос ичра андин гадо, шохлар.

Бўлуб ўгрилиг фикри ул хайли шум,
Хазар килгай андин бари марзу бум.